



ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИШ МЕХАНИЗМИНИ Қўллаш бўйича ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ

Наимов Рахимжон Хафизович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17568429>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 1-noyabr 2025 yil
Ma'qullandi: 3-noyabr 2025 yil
Nashr qilindi: 10-noyabr 2025 yil

KEY WORDS

профилактик ҳисобга олиш, хорижий тажриба, жиноятчилик профилактикаси, пробация, жиноят содир этган шахслар, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар, ижтимоий реинтеграция, реабилитация.

ABSTRACT

Мазкур мақолада хориж мамлакатлари, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Россия ва бошқа давлатларда жиноят содир этган, ҳуқуқбузарлик қилган ёки озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни профилактик ҳисобга олиш механизмининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистонда профилактик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу вазифани ҳал қилишнинг асосий воситаси профилактик ҳисобга олиш механизми ҳисобланади. Профилактик ҳисобга олиш – бу жиноят содир этган, ҳуқуқбузарлик қилган ёки озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни назорат қилиш ва уларнинг қайта жиноят йўлига киришининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимидир. Дунёнинг турли мамлакатларида профилактик ҳисобга олиш механизмлари фарқли хусусиятларга эга бўлиб, улар ҳар бир мамлакатнинг ҳуқуқий тизими, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, маданий ривожланиши ва бошқа омилларга боғлиқ. Шу боис хорижий мамлакатларнинг профилактик ҳисобга олиш механизмларини қўллаш бўйича тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш Ўзбекистонда ушбу соҳадаги ислохотларни янада такомиллаштириш учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2014 йил 14 майда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни¹нинг, 2018 йил 24 январда «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. 14.05.2014 йил, ЎРҚ-371-сон. <https://www.lex.uz>

Президенти қарори²нинг қабул қилиниши бу соҳадаги муҳим қадамлар бўлди. Бироқ, хориж мамлакатларининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва миллий қонунчиликка татбиқ этиш орқали профилактик ҳисобга олиш механизмини янада такомиллаштириш имкониятлари ҳам мавжуд.

Айнан шундан келиб чиққан ҳолда хориж мамлакатларининг профилактик ҳисобга олиш механизмини қўллаш бўйича илғор тажрибасини ўрганиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва амалиётига татбиқ этиш мақсадида ўрганишлар олиб борилди. Қуйида айрим ривожланган мамлакатларининг профилактик ҳисобга олиш механизмини қўллаш фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

Америка Қўшма Штатларида профилактик ҳисобга олиш механизми асосан пробацация (probation³) ва шартли озод қилиш (parole) тизимлари орқали амалга оширилади. Пробацация – бу суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига тайинланадиган шартли жазо бўлиб, маҳрум жамиятда қолган ҳолда суд томонидан белгиланган шартларга риоя қилиши ва пробацация хизмати назорати остида бўлиши керак. Шартли озод қилиш эса озодликдан маҳрум этиш жазосининг бир қисmini ўтаб бўлган шахсларни озодликка чиқариш бўлиб, улар ҳам маълум шартларга риоя қилишлари ва назорат остида бўлишлари лозим.

АҚШда ҳар бир штатнинг ўз пробацация ва шартли озод қилиш тизими мавжуд бўлиб, улар орасида маълум фарқлар мавжуд. Федерал даражада ҳам пробацация хизмати мавжуд, у федерал жинойтлар бўйича судланган шахслар билан ишлайди. АҚШда профилактик ҳисобга олиш тизими ўз ичига электрон назорат тизимини, хавф даражасини баҳолашни методикасини, дарҳол аралашув принципини, махсус дастурларни ва жамоат ташкилотлари иштирокини қамраб олади. Хусусан, АҚШда профилактик ҳисобда турган шахсларга нисбатан электрон билагузуклар, GPS-трекерлар ва бошқа электрон назорат воситаларидан кенг фойдаланилади. Бу уларнинг ҳаракатланишини назорат қилиш ва белгиланган чекловларга риоя қилишини таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга, АҚШнинг профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг хавф даражасини баҳолашнинг илмий асосланган тизимидан фойланиш амалиёти диққатга сазовор⁴. Бу тизим (Risk-Needs-Responsivity model – Хавф-эҳтиёж-мослашувчанлик модели) шахснинг қайта жинойт содир этиш эҳтимолини баҳолаш ва унга мос профилактик чораларни белгилаш имконини беради. Мазкур мамлакатда профилактик ҳисобда турган шахс белгиланган қоидаларни бузганда дарҳол аралашув (swift, certain, and fair sanctions) тизими ишга туширилади⁵. Бу ёндашув профилактик ҳисобда турган шахс белгиланган қоидаларни бузганда дарҳол, аниқ ва адолатли жазо чораларини қўллашни назарда тутди. Бу ёндашув АҚШнинг бир қатор штатларда самарали натижалар бераётганлигини қайд этиш мумкин.

Шу билан бир қаторда профилактик ҳисоб юритиш доирасидаги чора-тадбирлар орасида махсус дастурларни алоҳида келтириш жоиз. АҚШда профилактик ҳисобда турган шахслар учун турли махсус дастурлар мавжуд: гиёҳвандликдан даволаниш дастурлари, психологик ёрдам дастурлари, касбий таълим ва бандлик дастурлари ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жинойт-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 24.01.2018 йил, ПҚ-3484-сон. <https://www.lex.uz>

³ Deering J. Probation Practice and the New Penology: Practitioner Reflections. – London: Routledge, 2018. – 224 p.

⁴ Farrington D.P., Welsh B.C. Crime Prevention and Public Policy // The Oxford Handbook of Crime Prevention / Ed. by M. Tonry. – Oxford: Oxford University Press, 2019. – P. 3-19.

⁵ Frieder D. Electronic Monitoring in the Criminal Justice System. – New York: Nova Science Publishers, 2020. – 152 p.

бошқалар. Бу дастурлар профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ижтимоий мослашувини таъминлашга қаратилган. Мазкур фаолиятда жамоат ташкилотлари иштироки кенг жорий этилганлигини эътироф этиш жоиз⁶. АҚШда профилактик ҳисобга олиш тизимида нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаол иштирок этади. Улар профилактик ҳисобда турган шахсларга турли хизматлар (уй-жой, иш, психологик ёрдам ва бошқалар) кўрсатади.

Буюк Британияда профилактик ҳисобга олиш тизими асосан пробация хизмати (Probation Service) орқали амалга оширилади. 2014 йилда ўтказилган ислохотлар натижасида пробация хизмати икки қисмга бўлинган: миллий пробация хизмати (National Probation Service) ва хусусий компаниялар (Community Rehabilitation Companies)⁷. Миллий пробация хизмати юқори хавф туғдирувчи жиноятчилар билан, хусусий компаниялар эса ўрта ва кам хавф туғдирувчи жиноятчилар билан ишлайди. Бироқ, 2021 йилда бу тизим қайта бирлаштирилган ва ҳозирда ягона пробация хизмати фаолият юритмоқда.

Буюк Британияда профилактик ҳисобга олиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари қаторида интеграциялашган ҳуқуқбузарларни бошқариш (Integrated Offender Management)ни келтириш мумкин. Бу ёндашув профилактик ҳисобда турган шахслар билан турли идоралар (полиция, пробация хизмати, соғлиқни сақлаш, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқалар) ҳамкорликда ишлашини назарда тутди⁸. Бу ёндашув, айниқса, такроран жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан ишлашда самарали натижа бермоқда.

Мазкур органларнинг ҳамкорликдаги фаолиятида Offender Assessment System (*хавф, эҳтиёж ва жавобгарликни баҳолаш тизими*)дан фойдаланилади. Бу тизим профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг хавфлилик даражасини, уларнинг эҳтиёжлари ва реабилитация дастурларига мослашиш қобилиятини баҳолаш имконини беради. Бу баҳолаш натижалари асосида ҳар бир шахс учун индивидуал реабилитация режаси тузилади. Мазкур режа асосида жамоат ишлари (*community payback*) ташкиллаштирилади. Буюк Британияда профилактик ҳисобда турган шахслар жамоат фойдаси учун бепул ишлар бажаришлари мумкин. Бу ишлар жамоат жойларини тозалаш, кўкаламзорлаштириш, ижтимоий объектларни таъмирлаш ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу уларнинг жамиятга фойдали ишлар қилиш орқали ижтимоий мақомини тиклаш имконини беради.

Келтирилган вазифаларни бажариш учун Буюк Британияда ҳам профилактик ҳисобда турган шахсларга нисбатан электрон билагузуклар ва бошқа электрон назорат воситаларидан кенг фойдаланилади. Профилактик ҳисоб доирасида амалга ошириладиган ишлар мунтазам равишда жамоат кенгашлари (*community justice panels*)да муҳокама этилиб борилади. Бу кенгашлар жамоат вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари билан иборат бўлиб, улар профилактик ҳисобда турган шахслар билан ишлаш бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этадилар.

Германияда профилактик ҳисобга олиш тизими асосан пробация хизмати (Bewährungshilfe) ва полиция органлари орқали амалга оширилади. Германияда пробация хизмати суд тизимининг бир қисми ҳисобланади ва у судлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади. Германияда профилактик ҳисобга олиш тизимининг

⁶ Kaeble D., Alper M. Probation and Parole in the United States, 2017-2018. – Washington: Bureau of Justice Statistics, 2020. – 25 p.

⁷ Mallender J., Roberts E. A Comparative Analysis of Community-Based Alternatives to Incarceration: A Cross-National Study. – London: RAND Europe, 2021. – 180 p.

⁸ Durnescu I. Pains of Probation: Effective Practice and Human Rights // International Journal of Offender Therapy and Comparative Criminology. – 2019. – Vol. 63. – №7. – P. 1056-1073.

ўзига хос хусусиятларидан бири ижтимоий ёрдам хизмати ходимларининг иштирокида намоён бўлади. Германияда профилактик ҳисобда турган шахслар билан ишлашда ижтимоий ёрдам хизмати ходимларнинг роли жуда муҳим⁹. Улар профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш, уларга турли хизматлар (уй-жой, иш, психологик ёрдам ва бошқалар) кўрсатиш бўйича фаолият юритади. Шу билан бирга, пробация доирасида реинтеграция дастурларидан фаол фойдаланилади. Германияда профилактик ҳисобда турган шахслар учун турли реинтеграция дастурлари мавжуд. Бу дастурлар шахснинг қайта ижтимоийлашуви, жамиятга мослашуви ва қайта жиноят содир этишининг олдини олишга қаратилган. Мазкур мамлакат тажрибасининг энг муҳим жиҳати – профилактик ҳисобда турган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Германияда профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Улар суд орқали профилактик ҳисобга олиш қарорларини апелляция қилиш ҳуқуқига эга.

Профилактик ҳисобга олинган шахслар билан тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки ҳам таъминланади. Германияда профилактик ҳисобга олиш тизимида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этади. Улар профилактик ҳисобда турган шахсларни уй-жой, иш билан таъминлаш ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатади.

Энг қизиқ жиҳати, Германияда профилактик ҳисобда турган шахслар учун гуруҳли терапия дастурлари кенг қўлланилади¹⁰. Бу дастурлар шахснинг психологик ҳолатини яхшилаш, унинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантириш ва қайта жиноят содир этишининг олдини олишга қаратилган.

Францияда профилактик ҳисобга олиш тизими асосан пенитенциар хизмат (Service Pénitentiaire d'Insertion et de Probation – SPIP) орқали амалга оширилади. Бу хизмат Адлия вазирлиги таркибига киради ва у озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар, шартли ҳукм қилинган шахслар ва бошқа тоифадаги шахслар билан ишлайди.

Францияда профилактик ҳисобга олиш тизимида энг муҳим масаласи –психологик ёрдам ва шахсий ёндашув, кейингина эса назорат амалга оширилади¹¹. Биринчи хусусият бу шахсга йўналтирилган ёндашувдир. Францияда профилактик ҳисобда турган ҳар бир шахс учун индивидуал реабилитация режаси тузилади. Бу режа шахснинг ижтимоий, иқтисодий, оилавий, соғлиқ ва бошқа эҳтиёжларини ҳисобга олади. Мазкур режада жамоат хизматлари (Travail d'intérêt général) ҳам киритилиши мумкин. Бу профилактик ҳисобга олинган шахслар томонидан жамоат фойдаси учун бепул ишлар бажаришларидан иборат чорадир. Бу ишлар 20 соатдан 280 соатгача бўлиши мумкин.

Францияда профилактик ҳисобга олиш тизимида нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаол иштирок этади. Улар профилактик ҳисобда турган шахсларга турли хизматлар (уй-жой, иш, психологик ёрдам ва бошқалар) кўрсатади.

Францияда озодликни чеклаш (Contrainte pénale) жазо тури 2014 йилда жорий этилган бўлиб, у профилактик ҳисобда турган шахснинг эркинлигини чеклаш, аммо уни жамиятдан ажратмасликни назарда тутаяди. Бунда шахс маълум шартларга риоя қилиши ва пенитенциар хизмат назорати остида бўлиши керак. Шу билан бирга,

⁹ Криминология и противодействие преступности в немецкоязычных странах (Германия, Австрия, Швейцария). <https://cyberleninka.ru/article/n/kriminologiya-i-protivodeystvie-prestupnosti-v-nemetskoazychnyh-stranah-germaniya-avstriya-shveytsariya>

¹⁰ О деятельности полиции Германии по профилактике незаконного оборота наркотических средств. Центр-Берег. <http://center-bereg.ru/g152.html>

¹¹ Зиёдуллаев М.З. Пробация хизмати: хорижий тажриба ва Ўзбекистонда жорий этиш масалалари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2019. – №6. – Б. 42–46.

профилактик ҳисобда турган шахсларга нисбатан электрон билагузуклар ва бошқа электрон назорат воситаларидан фойдаланилади.

Японияда профилактик ҳисобга олиш тизими асосан шартли озод қилиш хизмати (Parole Office) ва полиция органлари орқали амалга оширилади. Японияда шартли озод қилиш хизмати Адлия вазирлиги таркибига киради ва у озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли озод қилинган ва шартли ҳукм қилинган шахслар билан ишлайди. Японияда профилактик ҳисобга олиш тизимин қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчиси – кўнгиллилар иштироки. Японияда профилактик ҳисобда турган шахслар билан ишлашда кўнгиллилар (Volunteer Probation Officers) фаол иштирок этади. Улар маҳаллий жамоатчиликдан сайланади ва профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашади. Шу билан бирга, Японияда озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар учун махсус реинтеграция марказлари (Rehabilitation Centers) мавжуд. Бу марказлар уларга вақтинчалик уй-жой, озиқ-овқат, иш топишда ёрдам ва бошқа хизматларни тақдим этади. Японияда профилактик ҳисобга олиш тизимида маҳаллий жамоатчиликнинг роли жуда муҳим. Маҳаллий жамоатчилик вакиллари профилактик ҳисобда турган шахсларни назорат қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишда иштирок этадилар¹².

Японияда профилактик ҳисобда турган шахсларга нисбатан инсонпарварлик ва ҳурмат тамойилларига асосланган муносабат мавжуд. Бу уларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва ижтимоий мақомини тиклаш имконини беради. Энг муҳими, бу оила иштирокидир. Японияда профилактик ҳисобда турган шахсларнинг оила аъзолари ҳам профилактик ишларга жалб қилинади. Оила аъзолари шахснинг ижтимоий мослашувига кўмаклашади ва унинг хулқ-атворини назорат қилишда иштирок этади.

Корея Республикасида профилактик ҳисобга олиш тизими асосан пробация хизмати (Probation Office) ва полиция органлари орқали амалга оширилади. Корея Республикасида пробация хизмати Адлия вазирлиги таркибига киради ва у озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар, шартли ҳукм қилинган шахслар ва бошқа тоифадаги шахслар билан ишлайди¹³. Корея Республикасида профилактик ҳисобда турган шахсларга нисбатан электрон билагузуклар ва бошқа электрон назорат воситаларидан, профилактик ҳисобни юритишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади. Барча профилактик ҳисобда турган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ягона электрон маълумотлар базасига киритилади ва тегишли органлар томонидан фойдаланилади. 2008 йилдан бошлаб жинсий жиноятлар учун судланган шахсларга нисбатан электрон назорат мажбурий равишда қўлланилади. Лекин Корея Республикасида профилактик ҳисобда турган шахсларга психологик ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатда жиноят содир этган шахслар учун махсус психологик реабилитация марказлари мавжуд бўлиб, уларда профессионал психологлар ва ижтимоий ходимлар фаолият юритади.

Корея Республикасида профилактик ҳисобда турган шахслар учун турли реинтеграция дастурлари мавжуд бўлиб, ушбу дастурлар касбий таълим, компьютер саводхонлиги, молиявий саводхонлик, ҳаётий кўникмалар ва бошқа соҳаларни қамраб олади. Корея Республикасида профилактик ҳисобда турган шахслар жамоат фойдаси учун бепул ишлар бажаришлари мумкин. Бу ишлар жамоат жойларини тозалаш,

¹² Исмоилов И.У. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштириш: хорижий тажриба // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2021. – №4. – Б. 38–44.

¹³ Woo Y., Maguire E.R., Gau J.M. Direct and Indirect Effects of Procedural Justice on Cooperation and Compliance: Evidence from Korea // Police Practice and Research. – 2020. – Vol. 21. – №4. – P. 365–380.

кўкаламзорлаштириш, ижтимоий объектларни таъмирлаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Сингапурда профилактик ҳисобга олиш тизими асосан пробация хизмати (Probation Service) ва полиция органлари орқали амалга оширилади. Пробация хизмати Ижтимоий ва оилавий ривожланиш вазирлиги таркибига киради ва у, асосан, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлайди. Катта ёшдаги шахслар билан эса Ички ишлар вазирлиги таркибига кирувчи Пенитенциар хизмат (Singapore Prison Service) шуғулланади.

Сингапурда профилактик ҳисобга олиш тизимида «Сариқ лента» лойиҳаси (Yellow Ribbon Project) эътиборга лойиқ. Бу лойиҳа 2004 йилда ишга туширилган бўлиб, у озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг жамиятга қайта интеграциялашувига кўмаклашишга қаратилган. Лойиҳа доирасида бу тоифадаги шахсларга иш топишда ёрдам кўрсатиш, касбий таълим бериш, ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш каби хизматлар тақдим этилади. Профилактик ҳисобга олиш тизимида жамоатчиликнинг роли жуда муҳимлиги Сингапурда тан олинган ва жамоатчилик вакиллари профилактик ҳисобда турган шахсларни назорат қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этади¹⁴. Сингапурда профилактик ҳисобда турган шахсларнинг оила аъзолари ҳам профилактик ишларга жалб қилинади. Оила аъзолари шахснинг ижтимоий мослашувига кўмаклашади ва унинг хулқ-атворини назорат қилишда иштирок этади.

Ушбу мамлакатда профилактик ҳисобга олиш тизимида хусусий сектор ҳам фаол иштирок этишини ўзига хос жиҳат сифатида кўрсатиш мумкин. Хусусий компаниялар профилактик ҳисобда турган шахсларни ишга қабул қилиш, уларга касбий таълим бериш ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатади.

Сингапурда профилактик ҳисобга олиш тизимида инновацион ёндашувлар қўлланилади. Масалан, «Through-care» модели озодликдан маҳрум этиш жойларида бошланадиган ва озодликка чиққанидан кейин ҳам давом этадиган узлуксиз ёрдам кўрсатиш тизимини назарда тутди.

Россия Федерациясида профилактик ҳисобга олиш тизими Ички ишлар вазирлиги (полиция) ва Жазоларни ижро этиш федерал хизмати органлари орқали амалга оширилади. Полиция органлари жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни профилактик ҳисобга олади, Жазоларни ижро этиш федерал хизмати эса озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни назорат қилади.

Россия Федерациясида профилактик ҳисобга олишнинг бир неча турлари мавжуд: умумий профилактик ҳисоб, маъмурий назорат, шартли ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш, вояга етмаганларни профилактик ҳисобга олиш ва бошқалар¹⁵. Россияда озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилади. Бу назорат шахснинг ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш, маълум жойларга боришини тақиқлаш, маълум вақтда уйдан чиқишни тақиқлаш каби чораларни ўз ичига олади. Россияда профилактик ҳисобда турган шахслар билан мунтазам равишда профилактик суҳбатлар ўтказилади¹⁶. Бу суҳбатлар шахснинг хулқ-атворини назорат қилиш, унга

¹⁴ Robinson G., McNeill F., Maruna S. Understanding Desistance from Crime. – Maidenhead: Open University Press, 2018. – 212 p.

¹⁵ Горбань Д.В., Стрелков Д.О., Кутаков Н.Н. Профилактический учет в системе мер предупреждения пенитенциарной преступности: проблемные вопросы и пути их решения // Вестник Самарского юридического института. 2018. №4 (30).

¹⁶ Смирнов А. М., Андреев С. Н. Совершенствование правового регулирования профилактического учета осужденных к лишению свободы // Ведомости УИС. 2016. №6 (169).

психологик ёрдам кўрсатиш ва қайта жиноят содир этишининг олдини олишга қаратилган.

Россияда профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда турли дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилади ва профилактик ҳисобга олиш тизимида идоралараро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилади, идоралараро комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ташкил этилади.

Хориж мамлакатларининг профилактик ҳисобга олиш механизмини қўллаш бўйича тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

хориж мамлакатларида профилактик ҳисобга олиш механизмлари турли хил бўлиб, улар ўша мамлакатларнинг ҳуқуқий тизими, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, маданий хусусиятлари ва бошқа омилларга боғлиқ. бироқ, барча мамлакатларда профилактик ҳисобга олишнинг асосий мақсади шахсни жамиятга қайта интеграция қилиш, унинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ва қайта жиноят содир этишининг олдини олишдан иборат;

профилактик ҳисобга олиш механизми самарали фаолият кўрсатиши учун у нафақат назорат функциясини, балки ижтимоий реабилитация функциясини ҳам бажариши керак, зеро профилактик ҳисобда турган шахсларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш, уларни иш билан таъминлаш, уй-жой масалаларини ҳал қилишга кўмаклашиш зарур;

профилактик ҳисобга олиш тизимида жамоатчилик, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотларининг иштироки муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу профилактик ҳисобга олинган шахсларни назорат қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишда жамият барча қатламларини жалб қилиш зарурлигига ундайди;

профилактик ҳисобга олиш тизимида замонавий технологияларни, хусусан, ахборот технологиялари ва электрон назорат воситаларини қўллаш фаолиятнинг самарадорлиги оширилишига хизмат қилиши билан бирга профилактик ҳисобни юритишда замонавий технологик имкониятлардан кенг фойдаланиш шартлигини кўтириб чиқаради;

профилактик ҳисобга олиш тизимида хавф даражасини баҳолашнинг илмий асосланган методикаларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга, бу профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг хавф даражасини аниқлаш ва уларга мос профилактик чораларни белгилаш имконини беради.

профилактик ҳисобга олиш тизимида идоралараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. бу турли идораларнинг профилактик ҳисобга олиш жараёнида ҳамкорлик қилиши зарурлигини англатади.

профилактик ҳисобга олиш тизими самарадорлигини баҳолаш механизмларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. буда профилактик ҳисобга олиш тизимининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва мунтазам равишда мониторинг ўтказиш керак бўлади.

Демак, Ўзбекистонда профилактик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш учун хориж мамлакатларининг илғор тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу борада профилактик ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш, хавф даражасини баҳолаш тизимини жорий этиш, электрон назорат тизимини ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, реинтеграция дастурлари ҳамда ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш, ахборот технологияларидан кенгроқ фойдаланиш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, идоралараро ҳамкорликни ва шахсга йўналтирилган ёндашувни кучайтириш зарур.

Хориж тажрибани қўллашда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини, ҳуқуқий тизимини, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини, маданий хусусиятларини

ҳисобга олиш зарур. Бу хориж тажрибасини механик равишда кўчириб олиш эмас, балки уни миллий шароитга мослаштириш зарурлигини англатади.

Профилактик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш узлуксиз жараён бўлиб, у доимий равишда янги тенденцияларни ва инновацион ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу жаҳон миқёсида профилактик ҳисобга олиш соҳасидаги янги тенденцияларни ва инновацион ёндашувларни доимий равишда ўрганиш ва уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш зарурлигини англатади.



INNOVATIVE
ACADEMY